

Миллий кутубхона Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги таркибига ўтказилди

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 августдаги ПФ-5148-сон фармонида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасарруфидаги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасини Агентлик таркибига ўтказиш таклифи маъқулланди.



Шунингдек, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги ОАВ лари, ахборот алмашиш, матбуот, ноширлик, матбаачилик, ахборот-кутубхона фаолияти соҳасидаги ягона давлат сиёсатини амалга оширувчи давлат бошқаруви органи этиб белгиланди.

Агентликнинг асосий вазифалари ОАВ лари фаолиятига доир қонунчилик ижросини таъминлаш, ОАВ, ноширлик, матбаачилик ва ахборот-кутубхона фаолиятида қонун ҳужжатлари, давлат ва тармоқ стандартларига риоя этилиши, сўз ва ахборот эркинлиги кафолатларига риоя этилиши борасида мониторинг ва назоратни амалга ошириш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш, ахборот соҳасидаги хуруж ва таҳдидларнинг олдини олишга қаратилган чораларни амалга оширишда иштирок этиш, хорижда ўзбек тили ва адабиётини кенг тарғиб қилиш, нашриётларга китоб маҳсулотларининг халқаро китоб бозорида ўз мавқеи ва салмоғига эга бўлишда кўмаклашишдан иборат деб белгиланди.

Бундан ташқари, тегишли минтақавий, хорижий ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантиришни амалга ошириш бўйича кўрсатмалар берилди.